



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 14 ноябрь чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 232 (2794)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MA'KAMASINING GAZETASI

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Унга вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, бошқармалар, идоралар раҳбарлари, Гўзалкент, Пастдаргом, Пайарик, Челак туман Кенгашлари депутатлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.
Кун тартибига қўйилган масала — Гўзалкент ва Пастдаргом туманлари негизда Пастдаргом маъмурий ҳудудий тумани, Пайарик ва Челак туманлари негизда Пайарик маъмурий ҳудудий туманини ташкил этиш таклифини сўзга чиққанлар ёқлаб гапиришди. Айниқса, туманларни бирлаштиришнинг молиявий-иқтисодий жиҳатдан фойдаси катта эканлиги алоҳида таъкидланди.
Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков сўзга чиқди.
А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, Афғонистондаги Шимолий альянс кучлари мамлакат пойтахти Кобул шаҳрини жангсиз олишга муваффақ бўлган. Маълум бўлишича, «шимолийлар» толибларнинг Кобулда ҳукумат биносини ҳам эгилган. Пойтахт аҳолиси буни олқишлар билан кутиб олди. Хабарларга қараганда, толиблар оммавий равишда Кобулни ташлаб, Қандаҳор томон йўл олишган.
● НТВ телеканалининг хабарига кўра, Шимолий иттифок ҳарбийлари Қандаҳордаги аэропорти ҳам ўз назоратига олишган. Айтилган хабарни кеча «Рейтер» ва Қатардаги «Ал-жазира» телекомпанияси ҳам тасдиқлаган. Шимолий альянс етакчиларининг «Рейтер» агентлигига маълум қилишича, ҳарбий амалиётларнинг кенг қўламада ўтказишга қўлдан келганидан мақсад мамлакатда ҳавфсизликнинг бир маромада ушлаб туришдир.
● Кеча ГФР канцляри Герхард Шрёдер агар мамлакат парламенти-нинг кўпчилиги аъзолари ақсилтерроп амалиётларини қўллаб-қувватлаш мақсадида немис ҳарбийларининг халқаро коалиция сафига қўшилиши борасидаги ҳужжатни тасдиқлашга, у ҳолда истефода чиқаришни маълум қилди.
● Маълумки, кунги кеча АКШнинг «Америкэн эйрлайн» ширкатига қарашли «А-300» русумли самолёт 251 нафар йўловчи ва 9 нафар экипаж аъзоси билан Нью-Йоркнинг Куинс туманидаги аҳоли ашайидан ҳудудга қулаб тушган эди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳозирча 268 нафар ҳалок бўлганларнинг исмида топилган. CNN телекомпаниясининг хабар беришича, Бостондан Доминикана Республикасига Нью-Йорк орқали йўл олган ушбу самолёт парвоздан 3 дақиқа ўтгандан сўнг кулаши оқибатида 6 та бино ва аҳоли ашайидан бир қанча уйлар вайрон бўлган. Президент Жорж Буш маъмурияти мулозимларининг билдиришича, мазкур авио ҳалокатга тахник носозлик сабаб бўлган.
● Кеча Украина президенти Леонид Кучма генерал Владимир Шквиченкога мамлакат мудофиа вазирлиги таъинлади.
● Афғон халқига ёрдам
Термиз дарё портида турли мамлакатлардан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини нариги соҳилга — Афғонистонга ўтказиш бошланди.
Иккита баржага 400 тонна ун юкланди. Юлдуз Хайратон портига етказиб берилади. Термиз дарё портидан ҳар ойда 16 минг тонна инсонпарварлик юки жўнатилади. Инсонпарварлик ёрдамини баржаларга юклаш пайтида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари катнашиди.
Чори ТҮХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Олий Мажлис сессияси олдидан

«МУҲОКАМА ЯХШИ САМАРА БЕРДИ»

Бундан кўп эмас, уч ҳафта бурун Олий Мажлиснинг Матбуоти ва ахборот кўмитаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижросини ўрганиш ва унинг ҳулосалари кўмита йиғилишида атрофича муҳокама қилинган эди. Ана шу йиғилишда каминга ҳам иштирок этгани боис кўмита раиси ўткир Ҳошимовга ўша муҳокама ни ослатдим. Ўткир ака: «Муҳокама яхши самара берди», дедилар.
Йиғилишда тармоқ ёки хусусий газеталар нусхаси ўттиз мингдан икки юз етмиш мингга қайта қўйилган бўлиши пайтида Жомбой ва Пастдаргом туманлари ҳокимликларининг «Жомбой тонги» ва «Пастдаргом ҳақиқати» газеталари тиражи икки юзтага ҳам етмаётгани, Самарқанд шаҳрининг «Самарқанд» газетаси нусхаси камлиги туфайли чиқмай қолгани, Тойлоқ тумани ҳокимлигининг «Қўшчино» газетаси қозғосиз қолгани мутасадди идоралар вакиллари хузурида кескин танқид қилинган эди. Назорат-таҳлил жараёни тугаганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, биз юқорида тилга олган газеталар фаолиятида жонлишни юз бергани, ифодали қилиб айтганда, «қайта тирилган», албатта, қувонарли ҳолдир. Ўткир ака «Муҳокама яхши самара берди» деганларида ҳамаси айтиш шунга эдилар. Бундан ташқари кўмита икки сессия орқали Самарқанд ҳамда Сирдарё вилоятларидаги журналистлар иштирокида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун ва

матбуотни эркинлаштириш» мавзусида минтақавий семинар ўтказди.
Маълумотларга қараганда, кўмита аъзолари фақат шу билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Маълумки, Олий Мажлиснинг ўтган VI сессиясида Президентимиз ташаббусига кўра, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Қонун қабул қилинган эди. Мазкур қонун айти пайтида жамоатчилик томонидан кизгин кутиб олинган ва у суд-хуқуқ ислоҳотидаги янги босқич сифатида эътироф этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кўмита аъзолари ўтган муддат давомида сайловчилар билан бир қатор учрашувлар ўтказишган ва унда ана шу қўшимчалар ва ўзгаришларнинг асл моҳияти, нима учун қабул қилинган ҳамда кўзда тутилган энгиликлар ҳақида ташутиришлар берганлар. Бундан ташқари, кўмита аъзолари айти пайтида навбатдаги сессия муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларини жойларда сайловчилар ёхуд уларнинг вакиллари иштирокида муҳокама қилиб, тўпланган таклиф ва мулоҳазаларни ўзлари мансуб бўлган фракция, блоклар орқали тегишли кўмита ва комиссияларга юбормоқдалар.
Исмаил ХУДОЕВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 ноябрь кун Оқсаройда Европа тиклиниш ва тараққиёт банки (ЕТБ) президенти Жан Лемьери қабул қилди.
— Жаҳондаги энг нуфузли ва қудратли молиявий ташкилотлардан саналган Европа тиклиниш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга салмоқли ҳисса қўшиб қолаётган, — деди давлатимиз раҳбари. — Мамлакатимиз иқтисодиётида ушбу ташкилот бош қўшма-



диётининг турли жабҳалари, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, саноат, банк ва савдо тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, атраф муҳит муҳофазасини яхшилаш билан боғлиқ соҳаларни қамраб олган.
ЕТБ Ўзбекистон билан 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида янги тузила-

диётининг турли жабҳалари, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, саноат, банк ва савдо тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, атраф муҳит муҳофазасини яхшилаш билан боғлиқ соҳаларни қамраб олган.
ЕТБ Ўзбекистон билан 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида янги тузила-

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда Ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустақамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартриш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.
Мажлиси мазкур комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонова бошқарди.
Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари — Ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустақамлаш бўйича Ҳукумат комиссия-

лият юритилади. Шунингдек, 2003 йили Ўзбекистонда ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишини ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда.
Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан ЕТБ бўйичаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва иштирокчилар режалар хусусида фикр алмашилди.
(ЎзА).
СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТҮРАЕВ олган суратлар.

Қишга тайёрмисиз?

ЛОҚАЙДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИГАН МАВСУМ

Яхши удумимиз бор. Қонун пўчоғи ерга тушди-ми, қиш тараддудин бошлаймиш. Аммо бу ҳол шаҳар ҳўжалиги учун унчалик мос эмас. Нега десангиз, уй-жой ва коммунал хизмат тизими ходимлари учун йил — ўн икки ой давомида иш топилади. Қишда изиллоб қолмаслигимиз кўп жиҳатдан уларнинг савй-ҳаракати ва тадбиркорлигига боғлиқ.
Кўш, айтилик, Навоий шаҳрида қишга тайёргарликнинг аҳоли қандай? Сўзимиз ана шу хусусда.
Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2001-2002 йил қўзғи-қишги мавсумга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига тarmoқ ходимлари олдига турган долзарб вазифалар белгилаб берилган. Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси жамоаси ушбу қарор талаблари асосида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.
Бошқарма аҳли 757 та уй-жой, 16 та ётоқхона, 12 та болалар боғчаси ва бошқа ижтимоий, маданий-маиший иншоотларга хизмат кўрсатади. Шунинг ўзидек, турт минг киши меҳнат қиладиган ушбу жамоанинг кундалик таъшишлари етарли эканлигини кўрсатиб турибди.
— Халқимизда «Кузинг ями қиш», деган гап бор, — ҳикоя қиладди бошқарма бош мутахассиси Эсон Назаров. — Биз, коммунал хизмат ходимлари бу гапнинг маъносини яхши тушунамиз. Шаҳримизда 150 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладди. Турар-жойларни сифатли таъмирлаш, газ, ичимлик суви ва

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДА

борасида олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоботлар тингланди.
Қайд этилдики, ўтган даврда комиссия томонидан мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идоралар ҳамда тижорат банклари билан биргаликда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳоли мунтазам равишда таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари асосида аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида жойларда тезкор зарурий чора-тадбирлар амалга оширилди.
(Давоми 3-бетда).

ИНСОНПАРВАРЛИК

тамоийли устувор бўлган жамиятда адолат тантана қиладди
Ҳаёт баъйни улкан денгизга ўқшайди. Биз кўпинча унинг сокин, мавжларини оқишидан завқланамиз, бутинида не сир-синоатлар борлиги ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз. Аслида бу ўзимизга зиён. Денгиз лоқайдлик ва совуққон-парварлик гоялари тантана қиладди. Зотан, жиноят учун жазонинг муқаррарлиги ҳар қандай «баттол» шахсини ҳам ўз тақдир ҳақида ўйлаб кўриш ва бундан тегишли хулоса чиқаришга ундаши турган гап. Аслида демократиянинг ўзи қонунларга итоат этиб яшамок демаскир.
Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлиснинг кейинги сессиясида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Экспорт кўпаймоқда

Тўйтепадаги «Қабул-Ўзбек» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси жорий йилда экспорт ҳажмининг 50 миллион АКШ долларига етказишни мақсад қилиб қўйган.
Корхона жамоаси замонавий технология асосида пахта ни қайта ишлаш ва юқори сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бошқармасида тинимсиз ишланмоқда. Натижада корхона қуввати ҳам, экспорт ҳажми ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Корхона ўз фаолиятини бошлаган 1996 йилда 2 минг тонна калава ҳамда 1,5 минг погон-метр мато тўқилган бўлса, жорий йилда 21,6 минг тонна калава, 16 миллион погон-метр мато ишлаб чиқариш режалаштирилган. Юқори сифатли тайёр маҳсулотнинг 50 фоизи Европа, 20 фоизи Америка мамлакатларига, 10 фоизи эса Жанубий Кореяга экспорт қилинмоқда.
Н.ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири,
Тошкент вилояти.

Хорижий сармоялар — ишлаб чиқаришга

ЎЗБЕКЛАРНИНГ «Nestle»си

Ростини айтсам, кўпдан бери бекат, автобус, метро ва ҳатто баланд уйлари пештоқлариде ҳам «Нестле» ҳақида рекламалар пайдо бўлиб қолди. Ҳўш, Ўзбекистонда «Нестле» корпорацияси маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётми?
— Сабрининг тағи олтин, деган гап бор, — дейди Ўзбекистон — Швейцария «Нестле-Ўзбекистон» қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Юнусхон Ҳожиқаббаров биз билан суҳбатда. — Яқин орада республикаимизда ўзимиз ишлаб чиққан «Нестле» маҳсулотлари пайдо бўлади. Шу кунларда Наманганда қад ростирилган заводда сунгги босқич ишлари амалга оширилмоқда. Завод учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, технология Европада келтирилди. Уларни ўрнатиш, ишга тушириш борасида чет эллик ва ўзимизнинг мутахассислар билгаликда иш олиб боришмоқда. Заводимиз ишга тушган, болалар учун сут маҳсулотлари ва маъданли сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, ўзбекларнинг «Нестле»си пайдо бўлади. Маҳсулотларимизнинг бир қисминини чет элларга ҳам экспорт қилиш ниятимиз бор. Энг қувончлиси шуки, завод ҳаракатга тушиши билан кўлаб иш ўринлари пайдо бўлади.
— Мен, — дейди сут тайёрлаш бўйича директор, швейцариялик Жек Мозер, — дунёнинг ўттиз учта мам-

Ҳоким журналистлар билан суҳбатлашди

Кеча Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақуллов «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари журналистларининг бир гуруҳини қабул қилиб, вилоят иқтисодий-савсий ҳаёти ҳақида, олиб борилаётган иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар хусусида гапириб берди. Шунингдек, у Тошкент вилояти мамлакатда ўз салоҳиятига эга бўлган минтақа эканлиги, республика саноатининг 20 фоизи ушбу минтақадда жойлашганлиги, чет эл инвестициясини жалб қилиш, хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тўз ўзгаришлар ҳамда кишлоқ ҳўжалиги, ободончилик ва бошқа соҳаларнинг истиқболи борасидаги режалар хусусида ҳикоя қилди.
Э.БОЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.


АФҒОН ХАЛҚИГА ЁРДАМ

Термиз дарё портида турли мамлакатлардан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини нариги соҳилга — Афғонистонга ўтказиш бошланди.
Иккита баржага 400 тонна ун юкланди. Юлдуз Хайратон портига етказиб берилади. Термиз дарё портидан ҳар ойда 16 минг тонна инсонпарварлик юки жўнатилади. Инсонпарварлик ёрдамини баржаларга юклаш пайтида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари катнашиди.
Чори ТҮХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Азиз муштарий! Сизга хўш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

ТАШАББУСНИНГ ТУФИЛИШИ

Тадбиркорлик, ишбилармонлик қўллаб-қувватланган юрtdа ташаббус туғилаверади. Буни Шаҳрихондаги «Одина» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамоа ташаббуси билан фирма таркибида тикувчилик цехидан ташқари «Эзгу» ўқув ишлаб чиқариш маркази ташкил этилган. Ушбу марказда қирқдан зиёд ёшлар пазандалик сирлари, тикув-бичув, тиббиёт ҳамшираси йўналишлари бўйича касб-хунар эгалла-



моқдалар. Мактаб ўқувчилари учун махсус кийимлар тикиш бўйича республика тендери голиби бўлгач, «Одина» фирмасида иш янада жонланиб кетди.

СУРАТДА: «Одина» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Одина Отахонова тикувчилик цехида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Мулоҳаза

БАХТ ВА ИМКОНияТЛАР МАМЛАКАТИ

Мен бахт ҳақида кўп ўйлайман. Бахт деганлари нима ўзи? Буни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимдир дангиллама иморати, кимдир жароҳат машинаси, жароҳат жарак пули бўлса, ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Лекин ҳамма нарса мол-дунё, ейиш-ичиш билан белгиланмайди-ку. Ундан устун турадиган, азиз ва бебаҳо, муқаддас нарсалар ҳам бор. Масалан, Кўдумалоқ компрессор насос станциясини олайлик. У ниманинг маҳсули? Бу озодлик, Мустақиллик натижаси. Бу ерда ишлайдиганлар шундай деб билишади. Ходимларнинг аксарияти менга ўхшаган ёшлар. Бари катта мақсадлар би-

лан кум барханлари орасида қад ростлаган ана шу иншоотда меҳнат қилишапти. Улар учун Ватанимиз озодлиги, Мустақиллиги, дахлизлиги ўзи ноёб бахт. Аслида ҳам шундай эмасми? Озодлик, Мустақиллик бизга катта имкониятлар ашигини очди. Энди гап ана шу имкониятлардан фойдаланишда. Ёшлар буни аллақачон тушуниб етишди. Кўдумалоқдаги ёшларнинг кўпчилиги хорижда ўқигани, малака оширгани, тажриба ўргани қайтгани, чет эллик, хусусан, америкалик мутахассислар билан ёнма-ён ишлаганини учунми, дунёда содир бўлаётган воқеа-

ларга очик кўз билан қарашади. Бу ерда уйдирма ҳам, ваҳима ҳам йўқ. Мишмишлар кун кўрмайди. Сабоби оддий. Мустақиллик натижасини биз ўз кўзимиз билан кўриб, ақлимиз билан ривожлантириб, юрт раванқига хизмат қилаёмиз. Умидимиз кўп, бугун кечагидан, эртага эса бугундан яхшироқ яшашимиз керак. Бир бурда нон бор, Худого шукр, дейдиган вақтлар ўтиб кетди. Энди жаҳон билан тиллашаёмиз. Шунга мос бўлиши керак-да турмушимиз ҳам. Бу нимага боғлиқ? Тинчликка. Шу боис тинчлик учун курашнинг олдинги сафидамиз. Ишимизни

виждонан адо этаёмиз. Бир танишим «Интернет» орқали Американинг Оксфорд университетига таҳсил олаётганини айтиб қолди. Қойил. Ҳўш, нега бизлар шундай имкониятлардан фойдаланмаслигимиз керак? Фойдаланамиз. Мамлакатимиз шухратига шухрат кўшамиз. Мен юртимизни бахт ва имкониятлар мамлакатига, дегим келди. Ҳақиқатан ҳам шундай-да. Фақат биз ёшлар шунга муносиб бўлишимиз, интилимимиз, изланишимиз зарур. Шунда бахт изимиздан эргашиб келади.

Зокир ЖАББОРОВ, Кўдумалоқ компрессор насос станцияси ходими.

Янги Босқич

Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йилгиш бўлиб ўтди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Ақромов бошқарган ушбу таъбирда суд, прокуратура, ички ишлар, солиқ, ақлий, боқона илоратлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Илгишда Бош прокуратуранинг судларга ўзгариш ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиги А.Салиховнинг маърузаси тингиланди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида босқичма-босқич амалда оширилаётган ислохлар натижасида мамлакатимизда демократия талабларига жавоб бера оладиган янги суд тизими шакллантирилган таъкидлади. Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисида» қонун қабул қилинган бу борда яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун кучга кирганидан буён ўтган салкам бир ой мобайнида унинг икросини таъминлаш бўйича талабларга ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга унинг ҳаётида илчил табиқ этиш, амалиётда тўғри қўллаш, фуқаролар ўртасида янги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб ва таъшиқ этиш борасидаги ишларни янада жонлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Беход НОРОЕВ, ҲА мухбири.

Учинчи сабоқ: ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

Ушбу бўлим 7 та боб, 35 та моддалар иборат бўлиб, фуқаронинг жамиятдаги туғган ўрнига бағишланади. «Умумий қонунлар» бобига Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар қонун олдида тенг эканлиги алоҳида ёзиб қўйилган. Демак, бизнинг жамиятда кимдани ҳам ўзининг, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этиқоиди, шахси ва ижтимоий мавқеини пеш қилиб, ўзига алоҳида имтиёз ёки афзаллик талаб қилса, билингики, у Асосий қонунимизга зид иш тутаяпти. Агар бу моддани ҳамма аниқ билса, бундай ҳолатда жамоатчилик томонидан тузатиш киритиш мумкин бўлади. Табиийки, биз Конституциядан беҳабар бўлсак, ҳалиги қонунбузар билганини қилади, натижада ҳуқуқий жамиятнинг муҳим талаби бузилади.

Мазкур моддани талқин этишда баъзилар айрича фикр айтиши мумкин. Масалан, бизнинг жамият-тамизда айрим тоифадаги фуқароларга (ногиронлар, уруш қатнашчилар, ўқитувчилар) муайян имтиёзлар бор-ку, деб. Лекин биз 18-моддани охиригача келтирганимиз йўқ. Унда ана шундай сатрлар бор: «Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилган ҳақида ижтимоий алолат принципига мос бўлиши шарт». Демак, имтиёзлар борасида бирор қонунда сўз кетса, Конституциянинг ана шу талабига итот этилиши зарур.



Шу ўрнида анланавий савол қўйилди: Бу қонун Конституциямига қанчалик мос? 26-модда бу саволга аниқлик киритилди: «Жиний солир этганликда айбланган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний ҳал қилинади, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмайди», у айбдор ҳисобланмайди».

Демак, шахсини судга асосиз қоралаш шўро даврида қилиб кетган иллат. Модомки, жамиятимизда инсон манфаатлари устувор экан, у ҳолда фуқаролар ўзининг чегараси борми? Бу саволнинг туғилишига, айниқса, «эркинлик» ибораси ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалата 20-модда аниқлик киритилди: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига, ҳуқуқлари ва эркинликларига йўл қўймасликлари шарт». Бу сатрларни ўқиб шўро даври Конституциясида, аввало, давлат манфати, бизнинг амалдаги Конституциямизда биринчи навбатда инсон манфаати устувор бўлганлигига иймон келтирамиз.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бугун ҳаёти мобайнида давлат ҳимоясида эканлигини яхши англаши керак. Сиз ва бизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам Конституция ва унинг қафиди — Президент ҳимоя қилади. Бу, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон фуқаросининг энг олий ҳуқуқидир. Мана, 22-моддани ўқиб кўринг: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳуқуқлари ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳимойлик қўрсатишни қарор қилади».

Чиндан ҳам, бизнинг Конституциямиз, тақрор бўлса-да айтганим, инсон манфаатлари руҳи билан суғорилган. Биргина 24-модданинг маъини чақалик: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ўзининг ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суяқаси ҳисоб қилинган эркинликнинг илчил дарвидақ терриоризм инсоният қушандиси

ди. Шу ўрнида анланавий савол қўйилди: Бу қонун Конституциямига қанчалик мос? 26-модда бу саволга аниқлик киритилди: «Жиний солир этганликда айбланган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний ҳал қилинади, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмайди», у айбдор ҳисобланмайди».

Демак, шахсини судга асосиз қоралаш шўро даврида қилиб кетган иллат. Модомки, жамиятимизда инсон манфаатлари устувор экан, у ҳолда фуқаролар ўзининг чегараси борми? Бу саволнинг туғилишига, айниқса, «эркинлик» ибораси ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалата 20-модда аниқлик киритилди: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига, ҳуқуқлари ва эркинликларига йўл қўймасликлари шарт».

Бу сатрларни ўқиб шўро даври Конституциясида, аввало, давлат манфати, бизнинг амалдаги Конституциямизда биринчи навбатда инсон манфаати устувор бўлганлигига иймон келтирамиз. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бугун ҳаёти мобайнида давлат ҳимоясида эканлигини яхши англаши керак. Сиз ва бизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам Конституция ва унинг қафиди — Президент ҳимоя қилади. Бу, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон фуқаросининг энг олий ҳуқуқидир. Мана, 22-моддани ўқиб кўринг: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳуқуқлари ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳимойлик қўрсатишни қарор қилади».

Чиндан ҳам, бизнинг Конституциямиз, тақрор бўлса-да айтганим, инсон манфаатлари руҳи билан суғорилган. Биргина 24-модданинг маъини чақалик: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ўзининг ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суяқаси ҳисоб қилинган эркинликнинг илчил дарвидақ терриоризм инсоният қушандиси

си, ҳам доно халқимизнинг азалий қадриятлари ҳисобга олинган.

«Сўбсий ҳуқуқлар» деб аталган VIII бобда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши, касбага уюшмалари, сўбсий партиялар ва бошқа жамият бирлашмаларида уюлиши, ваколатли давлат органлари, муассасаларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мувожабат қилиниши оид ҳуқуқлар ҳақида сўз кетади.

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи ҳам аввало инсонга гамхўрлик нуқтаи назаридан белгиланган. Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш каби ҳуқуқлар ҳам мамлакатимиздаги ҳар бир ватандошимизга яратилган бебаҳо имкониятлардир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига Конституция қандай қаролатган берилади? Аслида Асосий Қонунимизнинг ўзи яқин оғанда фуқаролар учун қаролатган мажмулар. Бевосита мазмуз юзасидан тапирланган бўлса, 43-моддада ёзиб қўйилганки, «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустахкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди».

Ижтимоий ҳимоя тўғрисида кўп гапиримиз. Ўзбекистонда бу боралда жуда кўп ишлар қилинган. Ана шу гамхўрликлар сарчасида «Воёга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида» деган сўзлардан иборат 45-модда турибди.

Ҳўш, Конституция бизга шунчалар ҳуқуқ ва эркинликлар бериб қўйган экан, унга жавобан фуқаролар бурчларини нимадан иборат? Бу 47-52-моддаларда баён этилган. «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини, шаъни ва қадриятини ҳурмат қилишга мажбурлар». Биргина шу моддангиздан дидан тунди, унга риоя қилиш одалат ўзгалди. Ҳар бир инсоннинг қанчалар яхшилиши мумкин. Ҳа, биз Ватан ва жамият олдида нималарни бурчил эканлигини унутмасак, «Янжондек дуруст бўлу» эди.

Ушбу сабоғимиз сўнгидеги бурчларимизни таъкидлаб ўтамиз: демак, Ўзбекистон фуқароси, юқориде айтилганда ташқари, ўз халқининг тарихий, маънавий ва моддий меросини авайлаб асрашга, агар табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Бу бурчлар Ўзбекистон аталмиш Ватанимизнинг қудрати ва салоҳиятини оширади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шунга давлат этади.

Шухрат ЖАББОРОВ.

ИНСОНПАРВАРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун алоҳида фуқаролик жамиятини шакллантириш сари ташланган катта амалий қадам бўлди. Бундай дейишга тўла асос бор. Зеро, эндиликда шўрнинг дақиқоюсудан қолган жазо чораларидан тамом воз кечили, суд-ҳуқуқ тизимини янги ҳароратда тубдан ислоҳ қилиш, йўлда қилиб айтганда, жиноят қонунчилигини либераллаштириш замон талабига айланди. Мақсад қонунчиликнинг халқ ва жамият ҳаётига яқинлаштириш, ҳуқуқий демократик жараёнлар учун кенг йўл очилган иборатдир.

Ҳеч ким ондан жиноятчи бўлиб туғилмайдми. У носогол муҳит ёхуд муайян ижтимоий гуруҳ таъсирига тушиб, билиб-билмай қалтиришларга қўл уриши мумкин. Бундай ҳолатларда қандай йўл тутилади? Таъкидлаш керакки, мазкур қонунда маъмурий-бўйруқ-бозлик тизимига асосланган қўлимда моддалар ўзгаририлган ва янги мазмун билан бойитилган. Шулардан бири ақтисодий жиноятчилик учун қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо ўрнига жарима чораларини қўллаш бўлиши мумкин.

қоказо жиний ҳаракатлар учун бундан буён озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо чоралари қўлланилмайдиган бўлди. Албатта, Жиноят кодексига белгиланган бу каби ижобий ўзгаришлар ҳақида истаганча гапириш мумкин. Иқтисодий соҳадаги жиноятларга тааллуқли қўшимча моддалар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими янги босқичга қadam қўйганидан далолат беради.

Энди ўзимизча мулоҳаза юритиб кўрайлик. Кишиларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши қонунчилик амалиётини тақомиллаштириш, жамиятда соғлом тафаккурни қарор топтиришга қизиб қилади. Бунинг ҳаммаиз яхши тушунамаиз. Даврининг ўзи қонунчилик моҳиятини тубдан ўзгарилиши тақозо этмоқда. Чунки тоталитар тузумга ҳоз эскича андозалар бизга асло тўғри келмайдми. Ягона мафкурага бўйсундирилган шўро қонунларида инсон манфаатидан кўра, давлат манфаатлари устувор экан. Жиноятчиликнинг олдин олиш воситаси сифатида «жазолаш ва яна жазоланган» зўр берилганлиги ҳам шундан. Ўзининг ўйланг: билиб-билмай жиний содир этган кишини ҳам озодликдан маҳрум қилиш, ҳам унинг мол-мулкунини мусодар этиш инсофдандми? Бу қайси мангикқа тўғри келади?

Иўқ, адолат ва адолатсизлик маъму тушунчалар эмас. Ҳуқуқий-демократик жамиятда ҳақол меҳнат орқасидан топиладиган мол-мулкка монелик қилинмайди. Жиний кодексига айна шу масалалар оид муҳим

ўзгаришлар киритилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Яъни, бундан буён қўшимча жиний жазо сифатида мол-мулкни мусодарга этишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хусусий мулк бошқа мулк шакллари қатори дахлиз ва давлат муҳофазасида эканлиги тўғрисидаги қонун билан мустахкамланган. Бундан кўзланган ният битта: демократик ислохларни чуқурлаштириш, инсон эрки ва ҳуқуқларини қаролатли ҳимоялашдан иборатдир.

Янги қонунда, юқориде таъкидланганидек, иқтисодий соҳадаги жиноятлар учун қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чоралари ўрнига жарима амалиётини қўллаш кўлима анча кенгайтирилган. Чунонинг, қамоматда йўл қўйган, иқтисодий жиноятчиликни содир этган шахс давлатга етказилган зарарини ўз ихтиёри билан бартараф этса, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайдиган бўлди. Шунинг ўзи мамлакатимизда жиний қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш сари илчил сўбсат олиб борилаётганидан далолат эмасми?

Жиний кодексига миллий урф-одатларимиз, ўзбекона қадриятларимизга ҳоз яна бир янгилик киритилди. Бу ўзаро ярашув жараёни билан боғлиқ. Яъни, майда безорилик жиноятини содир этган шахс ўз қилмишининг оқибатларини тушуниб етиб, етказилган зарарини бартараф этса, жабрланувчи билан ярашса, бундай ҳолатда жиний иш ҳара-

катдан тўхтатилади. Илгари айна шу масалалда қандай йўл тутилганини яхши билимиз. Милитсия, судбозлик... Оқибатда арзиманган сабаб билан дўст душманга айланган, нафақат икки рақиб, балки уларнинг фарзандлари ўртасида ҳам пинҳоний адоват уйғонган эди. Энди бундай ҳолатлар йўл қўйилмайди.

Кези келганда шунини айтиш керакки, либераллаштириш жараёни жамиятимиздаги барча ижтимоий табақаларга дахлдор. Ўзбекчиликда аёллар, болалар ва ёши улуг кишиларга меҳр-оқибат, гамхўрлик билан муносабатда бўлиш олийжаноб фазилат саналади. Жиний Кодексининг қатор моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгаришларда масаланинг ана шу жиҳатлари ҳисобга олинган, инсонийлик ва кечиримлик тамойилларига алоҳида уру берилган.

Умуман олганда, истиқлол даврининг демократик голяри билан суғорилган ушбу қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустахкамлаш, миллий ахлоқ-оқоб ва эзгу ананаларини тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, уни кенг тарғиб қилиш, қонунчилик амалиётига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар моҳиятини омма тафаккурига чуқур сингдириш ҳаммамизга тааллуқли муҳим масаладир.

Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъминот масаласида узилишлар йўқ ҳисоб. Энг муҳими, иссиқлик тармоғи тўғрисида тўғри Навоий ГРЭСига уланганлиги мушуқли осон қилмоқда. Иссиқ сув таъминоти юзасидан шаҳар ҳокимлиги, конметаллургия комбинати маъмурияти қаттиқ назорат қилиб бормоқда. Яшаш жойларининг эстетик жиҳатдан гўзал ва бетакор бўлишига нима етсин! Бу йўналишда ҳам муайян изланишлар амалга оширилляпти. Чунонинг, «Халқлар дўстлиги», «Ғалаба», «Меъморлар», Низомий, Навоий, Амир Темур кўчаларидаги 70 га яқин кўп қаватли биноларга қайта сайқал берилгач, уларнинг ташқи қиёфа-

си янада кўркамлик касб этди. 9-уй-жойдан фойдаланиш идораси жамоаси томонидан 60 та кўп қаватли уйлارнинг иситиш тармоқларини қайта кўздан кечирилиб, эскирган қувурлар янгиларига

кўпчилик миннатдор. Шу билан бирга, шаҳар аҳолисига замонавий коммунал хизмат қўрсатиш соҳасида баъзи камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Айтايлик, Мирзо Улугбек кўчасидаги 19,

Фуқароларнинг шу каби эътирозларини ҳаромхимиз — Эсон Назаров қуйидагича изоҳлайди:

— Мавсум давомиде янги-янги муаммолар туғилиши табиий. Аммо ҳеч бир шикоят эътиборсиз қолдирилмайди. Омборда 2 минг квадрат метр ойна бор. Янги эшикларга бурюрта берилган. Бугун эрта 3-уйдаги ахволни ўрганиб, зарур чораларни кўрамиз.

Кузатишлардан шундай хулосага келдик: тўғри, шаҳар коммунал хўжалиги тизимиде белгиланган тадбирлар асосан бажариляпти. Шикоятлар 10 кун ичиде ўрганиб чиқилиб, аҳоли талаблари қондирилмоқда. Хизмат қўрсатиш ва ўзаро ҳисоб-китоблар юзасидан икки томонлама шартнома тузилган. Унда томонларнинг мажбуриятлари аниқ ифодаланганлиги тўғрисида сансалорликка ўрин қолмапти.

Халқимизда «Езда ёпингичини қўйма, қишда ўзинг биласан», деган доно нақл бор. Бу ҳикмат бекорга айтилмаган. Демократиклик, ганимат давлардан унутулмай фойдаланиб, мавсумга пухта хозирлик кўриш биринчи гагдаги муҳим вазифамиздир. Киш имтиҳони қаттиқ, У лоқайдлик ва белпарволикни асло кечирмайди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЛОҚАЙДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИГАН МАВСУМ

алмаштирилди. Ушлаб биноларнинг томлари эса битумли қора қоғоз билан ёпилади. — Етти қаватли биномиде 80 дан ортиқ ёш оилалар истикомат қилади, — дейди 8-ётоқона бошлиғи Раҳима Саломова. — Бу ерда Убайдулла Худойқулов бошлиқ курувчилар томонидан кенг микёсда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Иситиш тармоқларидан кўнглимиз тўқ.

Шаҳардаги 4-ётоқона, 16-бололар богчаси ҳам киш мавсумига тайёр. Биз амалга оширилган ишлар билан танишгач, бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. 50 та кotteж, 48 та кўп қаватли уйни бирлаштирган 3-ЖЭК фаолиятдан

19-«А», 25, «Халқлар дўстлиги» кўчасидаги 148-«А», 152, 76, 78, 80-уйларда таъмирталар жойлар анчагина. Ойналар синган, кўча эшиклар алмаштиришга муҳтож. Зарур сантехника ускуналари етишмайди, коммунал жиҳозларнинг бир қисми техник жиҳатдан эскирган. «Энергетиклар» кўчасидаги 3-уй оқсоқли Тилов Очилов билан суҳбатлардан маъмуз.

— 5-қаватда яшаймиз. Иссиқлик босими паст. Том сифатсиз таъмирланган. Иситиш қувурларининг бир қисми яроқсиз ҳолга келган. «Дом» атрофини кўкаламзорлаштирмоқчимиз. Лекин техника масаласи ҳақ бўлмаяпти.

Ёшлар форуми

Ватанга садоқат — мангу саодат


Жиззах шаҳрининг бош майдони яна ёшлар билан гавжум бўлди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан «Биз — тинчликсевар юрт фарзандларимиз» мавзуда ўтказилган Ёшлар форуми қатнашчилари террорчиликни қораландилар. Талаба-ёшлар юртимизда тинчлик, оқсоқилликни таъминлаш муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб, мамлакат ёшларини огоҳликка даъват этишди.

— Беғаровлик, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга эътиборсизлик душманга, террорчиларга ёрдам бериш билан баробар, — дейди Жиззах ҳарбий авиация билан юрти талабаси Уткир Хўжабоев. — Мана шу оддий ҳақиқатни уқмаган йигит-қиз мустақил Ўзбекистон ёшлари сафига қўшилмайди.

Тиббиёт билим юртининг 3-курс талабаси Манзура Нурматовна тенгдошининг фикрини янада бойитди: — Ватанга садоқат — мангу саодатдир. Ва бу ҳаби гоиларни нафақат ёшлар ёки ўсмирлар, балки барча фуқаролар онгига сингаширишда айнан ёшлар ижтимоий ҳаракати фаол бўлиши лозим.

Анқуман иштирокчилари маъмурий идоралар ходимлари, имом хатиблар, ихлоқкорлар сўбатларидан баҳраманд бўлишди. Ёшлар форуми маҳаллий санитаркорларнинг катта дастурдаги томошалари, оммавий уйинлар билан аяқланди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.



ЎЗБЕКЛАРНИНГ «Nestle»си

(Давоми. Боши 1-бетда).


— Биз Наманган вилоятини бежиз танламадик, — дейди Жек Мозер. — Ўзбекистонни обдон ўрганиб чиқдик. Мамлакатнинг чорвачиликнинг қадимий марказларидан бири. Тупроқ ва табиий-иклим шароитлари — унмудроқ сугориладиган ерлар, бепоев кир-адирлар, дашт-чўл ва тоғлиқ яйловлари чорвачилик ривожини учун қулай. Айниқса, бу борада Наманганга тенг келадигани йўқ экан. Бу ерда сўт бўлоғи мавжуд. Бу сўт булогидан нафақат Ўзбекистон фуқаролари, хатто чет элликлар ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин. Вилоятнинг йигирма икки аҳоли манзилларида сўт қабул қилиш марказлари очилиши режалаштириб турибмиз.

— Бизнинг қишлоқда етти минг киши истиқомат қилади, — дейди Чуст туманидаги Карнон қишлоғи оқсоқоли Маъмуржон Тошпулатов. — Асосан чорвачилик билан шуғулланамиз. Қишлоғимизда сўт қабул қилиш марказининг очилгани айни мuddао бўлди-да. Ортиқча маҳсулотларни нима қилишни билмай юрганлар шу ерга олиб келиб топширишмоқда. Пулини вақтида олиб туришибди. Биз оқсоқол билан суҳбатлашиб турган чоғда уч-тўрт аёл, қўлларидан челақ, сўт топширгани келиб қолишди. Уларни саволга тутдик. — Узларингизни таниш-тирсаларингиз. — Ҳаммамиз шу қишлоқда яшаймиз. Мен Толипова Раёно. — Мен Хўжамбердиева Омина.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ

«Нестле» компаниясига 1866 йили Швейцарияда, Европада биринчи бўлиб қуялтирилган сўт фабрикаси қурилганда асос солинганди. XIX асрда болалар сўтининг ўрнини босадиган неъмат йўқлиги боис гўдаклар ўлими камаймаётган эди. Генри Нестле «Milk Food» маҳсулотини ишлаб чиқишга бир неча йил умрини сарфлади. У маҳсулотнинг доимий таркиби ва сифатини таъминловчи махсус жараённи ҳам яратди. Компания сўт ва болалар маҳсулотидан ташқари, қаҳва, ярим тайёр таомлар, музқаймоқ, маъданли сув ва бошқа ноз-неъматларни ишлаб чиқаради. Бугунги кунда «Нестленнинг» маҳсулотлари 83 та мамлакатнинг 479 та фабрикасида тайёрланади ва бутун дунёда сотилади.

— Мен Холиқова Комила. — Бу ерга ҳар кун сўт топширасиларми? — Ҳар кун. — Қанчадан? — Ҳар хил. Лекин ўн литрдан кам эмас. — Сигирларнинг кўпми? — Икки-учтадан бор. — Топширган сўтларингизнинг пулини қандай оласизлар? — Ҳар беш кунда қанда қилмай бериб туришади. — Демак, марказ очилганидан хурсандсизлар? — Бўлмасам-чи. — Биз, — дейди сўт қабул қилиш маркази лаборанти Кутбиддин Саидмуҳидинов, — факатгина стандарт жавоб берадиган маҳсулотни қабул қиламиз. Даставвал унинг таркибини, ёғлигини текшира-миз. Талабларимизга жавоб берадигани қабул қилиб оламиз. Ҳозиргача ҳеч кимнинг



олиб келган сўтини қайтаргани йўқ. Сўт топширилади. Ҳадемай завод ишга туширилади. «Нестле-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маҳсулотлари дастурхонимизнинг севимли таомига айланишига яқин қолди. Ўзимизнинг «Нестле»-да! Ишончимиз қомил, ўшал кун яқин... Абдуразақ ОБЎЎБ, Муаллиф ҳамда Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Таҳририятга хат

Эл ардоқлаган оқсоқол

Дунёда шундай инсонлар борки, улар ўзларининг ҳақиқий меҳнатлари, жонкуяриши ва фидойилиги билан эл уртинини обрў-эътибор қозонишади, доимо яратувчилик иштиқоқи, она-Ватан ва халқ дари билан яшаишади. Қўшратиб туманидаги Жўш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, эл ардоқлаган инсон Абдусайд Эркинбаев ҳам шундай олийжаноб инсонлардан. Абдусайд ака қарий ўн йилдан бери Жўш қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилиб келади. Унинг бир жойда бамайхотир ўтиришини ҳеч ким билмайдди. Ҳар доим иманиб-дириб ташини билан қўйма-дириб юради. Тонг саҳардан кўчаларни айланади. Энг аввало, ободончилик ишларини кўриб чиқади, сўнгга хонасига келиб фуқароларни қабул қилади, уларнинг арзу додига қулоқ тутаяди. Туя томоша, азаларда бош-қош бўлади. Ногирон, боқувчисини йўқотган кимсалар хузурига ботири, уларнинг ҳолидан хабар олади, кўнглини кўтариб, ноқор одаларга моддий ёрдам беради. Абдусайд ака, айниқса, қурилиш, ободончилик ишларига катта эътибор қилади. У кишининг савий-ҳаракатлари билан Жўш қишлоғи марказида «Ман-нашот ва маърифат» хуёбони ташкил этилди. Кўпгина садо, маший иш-ошлар қад ростлади.

Хуёбон уртасида кўп йиллар халқ учун хизмат қилган, шу юртининг азиз инсон марҳум Чиниқул Мўминов бости ўрнатилди. Шунингдек, бевосита унинг раҳбарлигида Ватан, халқ озолиги йўлида шаҳид кетганларнинг пороқ хотирасига атаб ёдгорлик кўрғони қад кўтарди. Қўлаб йўллар асфальтланди. Йўл чепларига меваши дараклар экилди. Бог-чорбоғлар бунёд этилди. Ёшлар навиҳолга ўхшайди. Бағзида улар турмуш қийинчиликларига бардош беролмай қолиши, бу эса гоҳида олавиий жанжалларга олиб келиши мумкин. Шундай пайтда Абдусайд ака керакки жойда ҳошур нозир бўлади. Бузилиш арафасида турган кўп ошлар шу инсоннинг доно гаплари, панду насихатлари, тўғри кўрсатмалари тўғрисида бахтиёр ошларга айланган кетган дамлар кўп бўлган. Ширинсузлик, талабчанлик, хушмуомалалик бу инсонга хос фазилат. У киши қишлоқларини айланган чикиб, маҳалла раислари ва аҳоли билан тез-тез учрашади, мавжуд камчиликларни бартараф қилишда бамаблашади иш туташди. Бизнинг Абдусайд ака шунанга одам. Шунанқалиги эса жўшлиқларга жуда ёқди.

Сўнат ҚўШНАЗОВ, Тўғрун ХУДОЙНОЗАРОВ, Орол ЮСУПОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилнинг ўтган даври давомида мuddати ўтган дебиторлик қарзларига йўл қўйган, тўловга қобилиятини олдиндан тўловларни маҳсулот жўнатган ва хизматлар кўрсатган жами 120 та хўжалик субъекти бўйича материал комиссия томонидан прокуратура органлари тақдим этилди.

Прокуратура идоралари томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида ўтказилган текширув натижаларига кўра, 134 та ҳолат юзасидан жўш, 3581 та ҳолат юзасидан матмурий, 986 та ҳолат юзасидан интисомий, 461 та ҳолат юзасидан моддий жавобгарлик, 2253 та ҳолат юзасидан эса расмий оғоҳланган чораларни кўрилган. Бундан ташқари, жами 21,8 миллиард сўмлик мuddати ўтган қарзларни ундириш юзасидан судларга 2275 та даъво аризаси киритилган ва ундирилган.

Шунингдек, мажлиса комиссия томонидан банкротлик аломатларига эга бўлган ва тўлов қобилиятини йўқотган 118 та хўжалик субъекти бўйича ҳужжатлар Иқтисодий нозир корхоналари ишлари қўмитасига тақдим этилганлиги таъкидланди.

Натижада Макроқўрсаткич ва статистика вазирлиги давлат статистика департаментидан 2001 йил 1 октябрь ҳолатидаги маълумотларга кўра, мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идораларда мuddати ўтган дебиторлик қарзлари пайдо бўлишига йўл қўйилмади. Бундан ташқари, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мuddати дебиторлик қарзларининг умумий миқдори 241,1 миллиард

сўмга, кредиторлик қарзлари 233 миллиард сўмга, мuddати ўтган кредиторлик қарзлари миқдори эса 4,8 миллиард сўмга камаяган.

Шунингдек, хўжалик субъектлари уртасидаги Узаро қарзларни қисқартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг амалдаги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белги-

ланган талабларга мувофиқ аниқ чора-тадбирлар қўрилганлиги натижасида «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўзқишлоқхўжалиқмаши-ҳолдинг» компанияси, «Ўзпахтасаноат» агентлигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин камайтиришга эришилган.

Шу билан бирга, мажлиса қайта этилдики, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олмалик қон-металлургия комбинати, «Ўзметасаноат» уюшмаси, «Ўзметасаноат» темир йўллари компаниялари, «Узатромсервис» уюшмаси, «Қизилқумоқирметаллолтин» давлат концерни, «Тошкент

авиация ишлаб чиқариш бир-лашмаси» давлат-акциядорлик жамияти ва «Ўзэлектросаноат» уюшмаси томонидан умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бора-сида ҳамон етарли чора-тадбирлар қўрилмапти.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилнинг 1-ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривож-

ланган талабларга мувофиқ аниқ чора-тадбирлар қўрилганлиги натижасида «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўзқишлоқхўжалиқмаши-ҳолдинг» компанияси, «Ўзпахтасаноат» агентлигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин камайтиришга эришилган.

Шу билан бирга, мажлиса қайта этилдики, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олмалик қон-металлургия комбинати, «Ўзметасаноат» уюшмаси, «Ўзметасаноат» темир йўллари компаниялари, «Узатромсервис» уюшмаси, «Қизилқумоқирметаллолтин» давлат концерни, «Тошкент

кўймаслик, умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзлари (шу жумладан, республикандан ташқаридаги) миқдорини камайтириш юзасидан барча зарурий чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, комиссия маж-лисида Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши учун вазирлик-лар, идоралар ва хўжалик юр-туви субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида» 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли қарорининг ижро этилиши аҳоли ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Маъмур қардорликларнинг юзата келишига вазирилик ва идоралар томонидан айланма маблағлари катта миқдорда сақ-ланаётган тайёр маҳсулотга банд қилиб қўйилганлиги ва маҳсулотлар сотилмаслиги узок вақт оғирларда туриб қолган-лиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Муҳокама натижасига кўра, вазирлик ва идоралар раҳбар-лари зиммасига кўшимча кўрс-атуви тижорат банклари билан биргаликда ўз тасаруфларида хўжалик юртуви субъектлар-да амалдаги қонунчилик ва ҳукумат қарорлари талабларининг бажарилишини таъмин-лаш, уларнинг молиявий аҳо-лини яхшилаш бўйича зарур-ий чоралар кўриш, оғирлар-дан мавжуд тайёр маҳсулот-ларни сотиш йўли билан иш ҳақни тўловларини ойма-ой ш-ҳатида амалга ошириш ваз-ифаси топширилди.

Мажлиса муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (ЎЗА).

«...Яқин ўртоқ, иноқ дўст»

Уралбўйи қазақлари Орол соқиларини бундан бир асрдан кўпроқ вақт муқаддам Ватан тутган эдилар. Ҳозирги кунда ураллик қазақларнинг кўп сонли вақилари Қорақал-поғистондаги бошқа миллат вақилари билан яқин ўртоқ, иноқ дўст бўлиб яшамоқдалар. И.В.Савицкий номлидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида очилган кўрғамга қорақалпоғистонлик урал қа-зақлари ҳаёти, этнографияси, урф-одадларига бағишланди.

Янгийоқ КҮЧҚОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Table with exchange rates for various currencies as of November 13, 2001. Includes columns for currency names and their respective rates.

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур вақолатларни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмаган.

Сафда — ёш аскарлар

Мақсадлари — аъло хизмат!

Айни кунда Ватан олдидаги Конституциявий бурчини, мuddатли ҳарбий хизматни виждонан ўтаб бўлган аскарлар Куролли Кучларимиз саф-ларидан уйларига — ота-оналари бағрига қай-тишмоқда. Улар ўрнини эса 18 ёшга тўлган соғлом йигитлар тўлғазишапти. Буюк болалари-миз шонли анъаналарини муносиб давом этти-ришга, мустақил Ўзбекистон аскарини номига доғ туширмасдан аъло хизмат қилишга маҳкам бел боғлашмоқда.

Шахсий таркибининг, жумладан, ёш аскарлар-нинг етук жанчи, Ватанининг муносиб химоячила-ри бўлиб камол топишлари учун ҳарбий қисм ва бўлинмаларда барча шарт-шароитлар яратилган. Шундай бўлса-да, яқинда ҳарбий либос кийган фарзандини ота-она кўпроқ ўйлайди, у ҳақда кўпроқ қайғуради. Сабаби ота-она армияда уларга қандай ҳамхўрлик қилинаётганлигини ўз кўзи билан кўрмаган-да.

Жамоамизга ёш аскарлар келишидан анча барвақт уларни кўнглидагидек кутиб олиш тараддулини кўрдик, — дейди «Н» қисм командири вазифасини бажарувчи, подполковник Алишер Орипов. — Авваломбор, ёш аскарлар учун алоҳида жой ҳозирланди. Аскар учун зарур бўлган қошшабдан тортиб, тиш чўткасигача би-сёр қилинди. Ёш аскарларга ҳарбий хизматнинг илк хадис-ни ўргатиш подполковник Сергей Капустин, майор Солижон Аҳмедов, Дилшод Маҳмудов, прапорщик Сирожиқдин Шаропов сингари тажрибали ҳарбийларга ишониб топширилди. Улар ҳозирда кунни тунга улаб, ёш аскарларга ҳарб илмидан сабоқ беришмоқда, ота-ларча ҳамхўрлик қилишапти.

А. Ориповнинг таъкидлашича, ёш аскарларда ҳарбий қисмига нисбатан фах туйғусини уйғотиш мақсадида улар қисм ва унинг босиб ўтган жанговар йўли билан ҳам атрофлича таништирилган.

Олдий аскар Зафар САИДОВ (пойтахтнинг Сирғали туманидан):

— Мен ўрта мактабни тугатган, уч йил ишладим. Ўша йиллари армияда хизмат қилиш роса қийин бўлса керак, деб ўйлардим. Янглишган эканман. Бу ерда барча шароитлар етарли, командирларимиз жуда меҳрибон. Устимиз бут, қорнимиз тўқ. Энг асосийси, болалиқдан оруз қилганим — ҳарбий кийимданман. Мақса-дим — ҳарбий қурол-ларни иштигилни мукаммал ўрганиб, тажрибали жангчи бўлиб етиштиш, Ватанимга аъло даражада хизмат қилиш!

Олдий аскар Олег ТЁ (Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри-дан):

— Армиягача хунар-техника билан идораларга келиш касбини эгалладим. Оиламиздан чиққан биринчи аскар — мен. Ростини айтсам, Мустақил юрт аскарини эканлигиндан гурурлана-ман. Барчамиз аҳил оила фарзандларидек ҳарбий хизмат сирларини ўрганаётимиз. Яқинда ҳарбий Қасамёб қабул қиламиз. Бу ҳар бир йигитнинг орузи, десам янглиш-майман.

Олдий аскар Дилшод ЖҲРАЕВ (пойтахтнинг Чилон-зор туманидан):

— Мен Низиий номлидаги Тошкент давлат педагоги-ка университетининг мусиқашунослик факультетини тамомлаб, армияга келдим. Командирларимиз жуда яхши инсонлар экан. Улар ҳарбий Низиимлар, хизмат қонун-қондаларини эримай тўшунтиришмоқда. Бундай командирлар раҳбарлигида Ватанинг муносиб химоячилари бўлиб етиштишимиз, шубҳасиз. Келгуси йил январь ойида армиямизнинг ўн иллитги байрам қилинади. Биз ёш аскарлар ҳам хизматда ютуқларга эришиб, бу байрамга ўз совғамизини тайёрлаймиз.

Олдий аскар Артур ГАБДИКЕЕВ (Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридан):

— Оилада ёлғиз ўғилман. Армиягача Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника универси-тетининг энергетика факультетини тугатдим. Аскарлик хизматим илк кунлариданоқ яхши тасассур қолдирап-ти. Жамоамиз жуда аҳил, шароитлар етарли, командир-ларимиз ҳамхўр.

Олдий аскар Акмал ҲТБОВ (Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидан):

— Армияга келганимча эшитганларим: «Қорнинг овқати тўймайди, уйга хат эзишга вақтинг бўлмайди» қабилидаги гап-сўзларнинг умуман асоссиз эканлигига тула амин бўлдим. Бу ерда кунига уч маҳал овқат берилади. Турли қўлатлар мена-чеваларни ҳам соғиниб қолётганимиз йўқ. Тургиси, армияда тамалди қилаётган овқатга ноз-неъматларини уйдатишдан ортқ бўлса ортинки, кам эмас. Давлатимиз шунчалик ҳамхўрлик қилаётган экан, биз нунга ўзимизнинг аъло хизматини билан жавоб беришимиз, она-Ватанимизни ҳар қандай хавф-хатардан қўқсимизни қалқон этиб химоя қилиши-миз шарт. Бунинг учун хизматимизнинг илк кунлариданоқ ҳарб илми, сир-синаотларини пухта эгаллаб бора-яймиз.

Ватан посбонлари. Улар сизнинг, бизнинг — қўқси Ватан меҳри билан зирҳланган фарзандларимиз. Жасур, матонатли ва ташаббускор йигитлар. Қур билан сўхбатлашар экансиз, фахр-ифтихордан кўксингиз тоғдай кўтарилди. Алллари бор юртининг қўқси биланд бўлади, денгилари шудир балки.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ, подполковник.

«ДАВАРХИТЕКТУРИЛИШ» кўмитасига қарашли пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича хўжалик ҳисобидаги республика бошқармасининг НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ 2002 йилда қурилиши мўлжалланган кўйидаги иш-ошларга танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади

ТАШКИЛҚТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ КАБЕЛЬ (АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППВ, ПУНП.) ЛАМПАЛАР (ЛД, ДРЛ, ДНАТ) ЁРИТГИЧЛАР (ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ.)

Микроширкатлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ UZPROMMASHIMPEKS ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТАШҚИ САВДО КОМПАНИЯСИ

Қадриятларимиз

1993 йил апрель ойининг бошида Президентимиз ташаббуси билан Термиз шаҳрида катта «кураш» чақирилди. Ўзбекча кураш бўйича ал-Ҳаким ат-Термизий бобомизнинг хотирасига бағишлаб таъсис этилган халқаро турнирнинг биринчи мусобақаси ўтказилди. Бу — дэю-до эмасди. Бу самбо кураши ҳам эмасди. Бу — Ҳакимбеу Қўқалдош алплардан, Жалолиддин Амир Темур, Султонмурод Тоҳир полвонларимиздан мерос бўлиб қолган, тўю томошаларимизни қизитган ўзимизнинг ўзбекча курашимиз эди.

ЎЗБЕКЧА КУРАШНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ ЧАЛА БЎЛМАЙДИ

Уша биринчи мусобақани очган Ҳаким Бердиев кириш сўзида фахрлида қизиқ гапларни айтди. Бу кураш фақат билага зўрларнинг эмас, белбоғи, юраги зўрларнинг кураши, деди. Бу кураш соҳиблар учун, совғалар учун эмас, орият учун, шайн-шавкат учун курашди. Ўзбекча курашда номлар эмас, унвонлар эмас, ҳақиқий полвонлар курашади, деди.

Ушанда биринчи бор «Алпомш» уйиниқола томошабин сиймаг кетди. Ушанда биринчи бор полвонларнинг гурас-гурас олишидан, томошабинларнинг бу катта олишини завқу-шавқ билан олишларидан кўна Термиз шаҳри ёшариб кетгандай бўлди.

Биринчи мусобақа чиндан ҳам бу кураш билага зўрларнинг кураши эканини, ваъилар, унвонлар кураши эмас, ҳақиқий полвонлар кураши эканини кўрсатди. Камол Бойтўраев (марҳум) деган термизлик полвон 73 кило вазни билан ваъни юз етмиш килограмм полвоннинг ёқасини уқлашга журят қилди. Журят қилмоқ ҳам гапми, ҳали ҳеч ким кўрмаган бир ушани кўлалб, гуё гавдаси бутун уйиниқоҳнинг ярмига соя бера оладиган уша рақибини елкасидан ошириб ташлади.

Ярим финалда Камол Урол Тўраев деган полвонга юзма-юз келди. Уша йиллари Урол полвоннинг Ўзбекистонга номи чиққан эди. Урол полвон Қўқулғор туманининг Кетмон қишлоғида яшарди. 142 килограмм вазн билан юрганда товоми ерга тегмасди. Тўй курашларида полвон даврасида ялан-ғоёқ бўлиб айланган. Урол давра айланганда оёқ панжаларидан латта-латта тўпуқ отилиб кетаверарди. Урол



полвон Алпомшига ўхшаб, қовоқ уйиб қараса, ҳузурда турган нарсалар ҳаракатга тушиб қолгандай бўларди. Урол полвон аккумулятори «ўтириб» қолган «Газ-52» русумли юк машинасини якка ўзи жойидан суриб-силжитиб, ўт олидириб юзганини ўз кўбим билан кўрганман.

Камол ана шу — Урол полвон билан ўн минут олиши. Лекин пещонаси терламади. Унгарини бермади. Унгарини бостирмади. Аксинча, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ўйлаб антиқа усулларни намойиш этиб, томошабинларнинг олқшини олди. Бу, чунки, ҳақиқий ўзбекча кураш эди. Чунки, Камол, соғва деб, унвон деб эмас, ориятини, Ўзбекча ориятини, ажаола-рию аялоларнинг ориятини деб давраси чиққанди.

Камолнинг уша олишуви менга қишлоғимиздаги Эшназар деган полвонини еслатувди... Кураги ерга тегмасди. Қўқулғор полвон 35 ёшда... йиқилиб қўйди. У йиқилганда кураш майдадан чағ кўтарилиб кетди. Ҳамкиш-лоқлар «ў-ў» деб нола тортиб юбордилар. Ғолиб полвон «кўриб кўйинлар» дегандай сакраб-сакраб ўзига берилган соврин — каттагон кўчқорни худди қўзиқоқдай қўлтирига қисиб олиб давраси айланган.

Ана шунда Эшназар, энди 16 ёшнинг тўлдириган ўспирин, давраси отилди. Кўзлариди ёш, бўғизда алам, юраги тўла ўт, пайлари тўла ғайрат билан. Бу ҳолини кўриб, томошабинлар-

нинг кўзларигаёш ёш қўйилди. Давра музаб қолди. Фақат баковулнинг овози эшитилди: — Қаҳқор полвоннинг орига унинг кенжа укаси Эшин (Эшназарни қисқароқ қилиб Эшин дег эдилар) полвонига чиқди. Бу курашнинг ўртаси битта от, ҳам йўқ. Ўзбекининг ўғлини курашни китобга қараб, ўқиб-ўрганмайди. Ўғлон ўрганиш билан полвон бўлмайди. Ўғлон полвон бўлиб туғилади, васаллом.

Полвонлар қўл олишдилар. Қўл панжалари чилдирма чертаётган мисол тез ҳаракатга келди. Оёқлар дупуридан тўпуқлар сачради. Полвонлик желакларнинг чок ситради. Биллақ суякларни қисирлади. Рақибнинг қоқма чилдан Эшин полвон мункиб кетди. Кўнгилаб давра зилзила тушиб, давраси тенгсалиб кетди. Ана шундан сўнг Эшин полвон ўзини, ўзининг Эшинлигини, Қаҳқор полвоннинг укаси эканини унутди. Нафақат акасию бошқа қариндошлари, балки бутун эл унга кўз тикиб тургани онгига етгандай бўлди. Яргинлари қайнаб кетди. Оёқ бармоқлар ерга ботди. Қўйворишгандан сўнг давраси айлиниб ўтирмади. Шарт изига бурилиб, рақибига ташланди ва унинг нақд белидан

чил бериб, шунинг баробарида елкаси оша қўлини орқага қайтарди. Эшин полвонни одамлар осмонларга отиб олқиниладилар. ... Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира турнирининг иккинчи мусобақасида (1995 йил) Ўзбекистон ўзининг гузорлик Баҳромидан полвонлигини билди. Кенгпешона, дунгпешона Баҳром Авазов Рустам полвон билан финалда чиқди. Баҳромни томошабинлар билмасдилар. Танимасдилар. Келбати нақд Рустам дostonни эсла-

чил бериб, шунинг баробарида елкаси оша қўлини орқага қайтарди. Эшин полвонни одамлар осмонларга отиб олқиниладилар. ... Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира турнирининг иккинчи мусобақасида (1995 йил) Ўзбекистон ўзининг гузорлик Баҳромидан полвонлигини билди. Кенгпешона, дунгпешона Баҳром Авазов Рустам полвон билан финалда чиқди. Баҳромни томошабинлар билмасдилар. Танимасдилар. Келбати нақд Рустам дostonни эсла-

ати, ахлоқи, касбига фидоилиги, ўнлаб касаликларни доволаш усуллари ҳақидаги масалаларни таҳлил этди. Бунда муаллифлар хориджа чоп этилган ноҳар нашрдан унумли фойдаланишган. Ушбу китоб «Авестонинг» 2700 иллик тўйига муносиб соғва бўлди десак, янгишмаймиз.

«АВЕСТО» ВА ТИББИЁТ профессор Б. Дўсқоновлар «Авесто» ва тиббиёт номи китобини ёзиб турганда, Яқинда Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти маъмур асарни босмадан чиқариб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Китоб мундарижаси кизикори ва фактик материалларга бой. Олимлар «Авестонинг» таркиби, моҳияти, турфа талқинлари, ҳуқуқшунослигимиз сарнаш-малариға оид саҳифаларини ёритишга, табиб модани-

ати, ахлоқи, касбига фидоилиги, ўнлаб касаликларни доволаш усуллари ҳақидаги масалаларни таҳлил этди. Бунда муаллифлар хориджа чоп этилган ноҳар нашрдан унумли фойдаланишган. Ушбу китоб «Авестонинг» 2700 иллик тўйига муносиб соғва бўлди десак, янгишмаймиз.

«Авесто» ва тиббиёт номидаги тиббиёт нашриёти маъмур асарни босмадан чиқариб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

«ХУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ОЙЛИГИ» Фарғона вилоятида ҳар йили кузнинг охири ойда «Хуқуқий билимлар ойлиги»ни ўтказиш аниғанага айланиб қолди. Ойлиқни ўтказиш мақсади аналитикалардан фарқ қилади. Бу сафар нафақат аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, балки Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётимизда тутган ўрни, Президент фармонлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатларини ўрганиш, ҳаётга жорий қилиш масалалари ҳам қарам олинган.

Эраимиздан олдинги VII-VI асрларнинг бошида шокланган, дунё маданиятининг ноёб дурдонаси ҳисобланмиш «Авесто» ноёб тарихий ёдгорлик эканини ҳаммага маълум. Унда тиббиёт масоаларининг ёритилиши ҳам кўпчилики кизиктириб келди. Бу талаб-истакни ҳисобга олган ҳолда, таниқли одоббештунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ф. Ҳомидий ва тиббиёт фанлари доктори,

«Хуқуқий билимлар ойлиги» Фарғона вилоятида ҳар йили кузнинг охири ойда «Хуқуқий билимлар ойлиги»ни ўтказиш аниғанага айланиб қолди. Ойлиқни ўтказиш мақсади аналитикалардан фарқ қилади. Бу сафар нафақат аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, балки Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётимизда тутган ўрни, Президент фармонлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатларини ўрганиш, ҳаётга жорий қилиш масалалари ҳам қарам олинган.

«Хуқуқий билимлар ойлиги» Фарғона вилоятида ҳар йили кузнинг охири ойда «Хуқуқий билимлар ойлиги»ни ўтказиш аниғанага айланиб қолди. Ойлиқни ўтказиш мақсади аналитикалардан фарқ қилади. Бу сафар нафақат аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, балки Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётимизда тутган ўрни, Президент фармонлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатларини ўрганиш, ҳаётга жорий қилиш масалалари ҳам қарам олинган.

Системы радио связи до 50 км со склада в Ташкенте. Tel.: (998-71) 191-30-00, Т/Ф: 191-09-09.

Оборудование охранно-пожарной сигнализации системы контроля и управления доступом. PHILIPS, IntelliSense, RANGER, ADEMCO, Vintad.

«Lok Kolor Sintez» КЎШМА КОРХОНАСИ ўзи ишлаб чиқарган кенг ассортиментдаги тикувчилик маҳсулотларини таклиф этади.

«Авесто» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бўлим бошлиғи Доғиёр Укени-боева оғиси УРАЗТУЛ янинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси рақибини ва жамоаси Жиззах электр тармоқлари корхонаси директори Омонқелди Нарзуллаева волида муҳтарамаси Тожиқов я ИСМАТОВ янинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таззия ихзор этади.

«Ўзбеккувавтоматика» республика иختисослашган ўқув-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Темир Иноғомовга падари бузруквори Илоҳом ота ИНОҒОМОВ янинг вафоти муносабати билан чуқур таззия ихзор этади.

Ижарадаги Тошкент полиграфия компанияси меҳнат жамоаси корхона бош директорининг муовини Ғайрат Аминович Обидовга оғиси ҲАБИБА янинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ. СУЮҚЛИК ХРОМАТОГРАФИ, АТОМ-АДСОРБЦИЯ СПЕКТРОМЕТРИ, ГАЗ (ВОДОРОД, АЗОТ, ҲАВО) ГЕНЕРАТОРИ, РАҚАМЛИ ФОТОКАМЕРАНИ.

ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Суюқлик хроматографи универсал градиентли тўрт каналли насос, 190-600 нм. тўлқин узунлигидаги спектрофотометри, рус ёки ўзбек тилида ёзилган ишлатиш қўлланмаси билан таъминланган бўлиши лозим.

«Мулоқот»нинг 6-сониди инсонга бахт ва эрк кафолатини берувчи Конституция, мидлий истиклол мафқураси ва баркамол инсонини тарбиялаш мавзусига бағишланган долзарб мақолаларни ўқисиз. Журналнинг илк саҳифаси Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси Мирзоулўбек Абдусаломов мақоласи билан очилган.

«Мулоқот»нинг 9 йиллигида бағишланган бу мақолада «Конституция буюк келажакка етиш йўлида қўйилган илк тамал тошларидан бўлди», дейилади. Бу ҳақ гап Тарихда ўтган буюк давр аталарининг барчасида ўз давра конституция тартиб-қоидаларини мустаҳкамлаган мажмуалар бўлган. «Авесто», «Қўтагуз билик» Амир Темурнинг «Тузуклари», «Жилоя», «Борборнома», «Забарнома»лар ана шундай асарлардир.

«Мулоқот»нинг 9 йиллигида бағишланган бу мақолада «Конституция буюк келажакка етиш йўлида қўйилган илк тамал тошларидан бўлди», дейилади. Бу ҳақ гап Тарихда ўтган буюк давр аталарининг барчасида ўз давра конституция тартиб-қоидаларини мустаҳкамлаган мажмуалар бўлган. «Авесто», «Қўтагуз билик» Амир Темурнинг «Тузуклари», «Жилоя», «Борборнома», «Забарнома»лар ана шундай асарлардир.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЛОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сўбсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маорифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минакалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ. Навбатчи — Ф. ЖАБИЕВ. Мусакхях — О. АБДУЗАЙМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. — тижорат материал.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.15. 1 2 3 4 5 6